

“Улисс” (Ж.Жойс) романида диний-илоҳий мавзу

Сарвиноз Нуруллаева БухДУ 2-курс адабиётшунослик(ўзбек)
магистранти

Жаҳон тарихидан маълумки, диний китобларни ўқиш, ўрганиш муаммо бўлган даврларда халқ диний қарашлар, амаллар, одатлар, дин билан боғлиқ билимларга ва руҳий-маънавий таскинга санъат, аниқроғи, адабиёт воситасида эга бўлганлар. Бугун модернистик романларда ҳам илоҳий-ирфоний масалалар талқинига (замонавий асарларда эскича қарашлар, тасаввуф талқини!) дуч келамиз. Адабиётшуносликда модернистик романларнинг бу жиҳати ҳали ўрганилмаган бўлиб, биз соф модерн адабиёти намунаси бўлган “Улисс” мисолида бу борадаги айрим мулоҳазаларимизни келтирмоқчимиз. Асардаги диний мавзуга оид фикрларни ўқиб, муаллиф шарқ ва ғарб фалсафий, диний қарашлари ҳақида яхши билимга эга бўлганлигига амин бўламиз. Масалан: Турли диний маросимларда марҳумни дафн этишнинг турлича одатлари мавжуд: кўмиш, сувга оқизиш, ёқиш, очиқ ҳавога минорага – остадонларга қўйиш ва ҳоказо. Асарда шундай ҳаётий ҳақиқатлардан фойдаланилган: *“Мен “Хитойга саёҳат”ни ўқиганман, хитойликлар оқтанлилардан мурда иси келади дейишган. Ўтда куйдириш маъқулроқ. Бу руҳонийларга ёқмайди. Бошқа бир ташкилот учун жон койитишади. Крематсия ва голланд печлари, улгуржи савдо. ора ўлим. Чуқур қазиб ўшанга ташланглар, куйдирилмаган оҳак барини емириб йўқотади. Ўлим камераси. Хок-у хок. Ё денгизга кўмиш. Форсларнинг сукунат минораси қаерда эди?Қушлар еб кетади барини. Тупроқ, ўт, сув. ҳаммасидан ҳам сувга чўккан яхшироқ дейдилар” [3, 58].*

Исломда бу дунёдан ўтганлар ҳақида ёмон гапириш тақиқланади. Шундай тақиқ боша динларда ҳам мавжудлигига “Улисс” орқали амин бўламиз: *“Жилла қурса икки йилча марҳумлар устидан кулмаган маъқул. Де мортуис нил ниси приус (лот. Ўлганлар ҳақида яхши гапир ё чурқ этма). Майли мотам тугасин” [3, 53].* Инжилдан олинган бу иқтибос нафақат христианлик динида мавжуд, балки ислом динининг иккинчи муқаддас манбаси бўлмиш ҳадиси шарифда ҳам тилга олинади: *Марҳумларнинг ортидан ёмон гапириш гуноҳи кабирадир.*

Бошқа бир ўринда эса Жойс шундай дейди: *“Битта бегуноҳни айбдор деб топишдан кўра тўқсон тўққизта гуноҳкорни оқлаган маъқул”.*

Ушбу диний ғояда катта ижтимоий- фалсафий ғоя мавжуд. Ундаги ахлоқий-тарбиявий моҳият бугунги кун учун ҳам аҳамиятли. Айниқса, юксак маънавиятли шахсларни тарбиялашни мақсад қилган жамиятимиз ҳам ҳалоллик, адолат, виждон, тўхматдан нафратланиш, қалб поклиги борасида шу каби илоҳий-ирфоний ғоялардан фойдалана олади.

Романда халқнинг диний маросимлар билан боғлиқ ўзига хос одатларидан ҳам фойдаланилаган: *“Калласига оқ шокила тожлар осилган оқ отлар Ротода муюлишидан чопиб чиқишди. Кичкинагина тобут липиллаб ўтди. Лошни тез кўмиш. Мотам каретаси. Уйланмаган йигит”.*

Кўмилаётган марҳум уйланмаган йигит еканлигини кузатувчилар отларнинг рангидан билишади. Бизда марумни ёш бўлса қизил, ўрта ёшли бўлса кўк, кекса бўлса оқ тобутда олиб кетганлари каби инглизларда ҳам ҳикоя қилинган даврда тобут ортилган отларнинг рангига қараб марҳум ҳақида маълумотга эга бўлиш мумкин екан: уйланмаган йигитларга оқ от, уйланган йигитларга қора от, бўйдоқларга чавқар, роҳибага бўз қирчанғи.

“Улисс”да шундай бадий ҳақиқатга дуч келамиз: *“Ақлли тарғил мушук кўзини сфинксдай пирпиратиб иссиққина зинада ётиб болакайни кузатарди. Уларга халал бермаган маъқул. Муҳаммад алайҳиссалом мушукнинг фароғатини бузмаслик учун тўнининг этагини қирқиб ўйганлар”* [3, 26]. Ушбу ривоят ислом манбаларида қуйидагича ҳикоя қилинади: Пайғамбаримиз этакларида ухлаб ётган мушукни безовта қилмасдан ўринларидан туриш учун тўнларининг этагини кесиб олган еканлар. Ўшандан буён бу суннат бўлиб қолиб, ҳанузгача эркаклар тўнининг икки чети чокли қилиб тикилади. Ушбу маълумотнинг келтирилиши Жойснинг диний ривоятлардан ҳам яхшигина хабардор бўлганини ва бу билимини бадий ҳақиқатга айлантира олганини кўрсатади. Яна бир бадий ҳақиқат: **“Адам Кадмон** (Одам алайҳиссалом) *нинг завжаси ва марҳами. Ҳавво, яланғоч Ева. Унинг киндиги йўқ эди. Назар солинг. Бағир, топ-тоза, улкан, баҳри дилни очади, оппоқ ярқирайди, чарм иплар билан тортилган қалқон, йўқ, шарқнинг ўлмас оппоқ кўпирган буғдойи, абад-азал мавжуд, абад-азал мавжуд. Журмнинг қурсоғи ”.*

Бу парчада Одам Ато ва Момо Ҳавонинг жаннатдан ҳайдалишига сабаб бўлган буғдой воқеасига ишора қилинади. Момо Ҳаво ва Одам Атонинг тақиқланган мева – буғдойни еб, жаннатдан ҳайдалиши ва яланғоч ҳолда

ер юзига қувилганда уларга анжир қандай қилиб ёрдам бериши ҳақидаги ривоятни Рабғузийнинг “Қиссаси Рабғузий”сидан ҳам ўқиганмиз. Демак, ушбу воқеани бошқа халқлар ҳам бошидан кечирган ва ўзига хос талқин қилган.

Киндик масаласида ҳам Жойс ривоятни ўрнида эсга олади: Момо Ҳавонинг киндиги бўлмаган, чунки у ҳомиладан яралмагани ҳаммага маълум. Одам Ато ва Момо Ҳаво жаннатдан қувилгач, Момо Ҳаво ва унинг авлодларига фарзанд кўриш ва уни дунёга келтириш чоғида аёл бошидан кечириши керак бўлган азоблар бир умрга жазо қилиб берилган. Момо Ҳаводан туғилган кейинги авлодларнинг эса инсондан (онадан) яралгани боис киндиги (она ва ҳомилани боғлаб турувчи ришта) мавжуд. Юқоридаги парчада мана шу фактга ишора қилинади.

Муқаддас китоблардан олинган иқтибослар, дин ҳақидаги фикрлар “Улисс”да талайгина. Асарда Мухаммад пайғамбар, Иброҳим алайҳиссалом, Исо Маси, муаддас китоблар, дуолар, Одам Ато ва Момо аво, олимлардан Ибн-Рушд кабиларнинг тилга олиниб, улар билан боғлиқ қайсидир ҳодисанинг эсга олиниши яна бир юксак асарни ёдга солади. Бу Дантенинг **“Илоҳий комедия”**сидир. “Илоҳий комедия”(А.Орипов таржимаси)нинг 4-қўшиғида Данте Вергилий ҳамроҳлигида дўзахнинг 1-доираси канорасида Исо пайғамбарга ғайри бўлган қадимги донишмандлар, шоирларни: Гомер, Горатсий, Овидий, Луканни кўради. Шунингдек, Исо томонида бўлган Одам Ато, Нух, Мусо, Довуд, Иброҳим, Исроил, Роҳилалар, 28-ўшиғида эса Мухаммад пайғамбар, Ҳазрат Али кабиларни тасвирлайди.

“Улисс”да шу каби диний тарихий шахслар номи қуйидаги ўринларда тилга олинади: Бак Маллиган, Стивен Дедал ва Хейнс суҳбатлашиб турганларида:

“Бак Маллиган ... куйлай бошлади:

Отам кабутар эди, онам қиз бола,

Чаққон болакай бўлдим, ажабмас жуда.

Юсуф дурадгор билан муштлашдик тинмай,

Кейин мен кетдим, хочга михлашди қўймай...

--...Номи нима бунинг? Юсуф дурадгорми?

--Шўх **Исо** ҳақида баллада, - жавоб берди Стивен”(“Улисс”, 1-воқеа).

Бак Маллиган чўмилиб турганда Стивен маош учун кетаётганини айтиб, уларнинг даврасини тарк этишини билдириб, йўлга тушмоқчи бўлиб турганда:“Стивен икки мис чақани кийим устига ташлади. Кийинишади, ечинишади. Бак Маллиган қаддини ғоз кўтариб, қўлларини олдига қовуштирди-да, оҳанжамали қилиб деди:

--Йўқсилдан ўмарсанг, худога бергил. **Зардўшт** шундай зикр қилган”(“Улисс”, 1-воқеа).

Мотам маросимида:

“**Исо Масиҳ** юраги кўзга ташланади. Ҳаммага кўз-кўзлагандай. Уни кўкракнинг ёнбошига солиб, қизилга бўяш керак эди, ҳақиқий юракка ўхшарди”(“Улисс”, 6-воқеа).

Булардан кўринадики, иккала адиб ҳам шарқ-у ғарб фалсафаси, дунё динлари таълимотларидан хабардор бўлган ва иккиси ҳам юнон афсона ва мифларига катта қизиқиш билан қараган.

“Тарих бир улуғ мақсад – Худонинг Зухуроти сари ҳаракат қилади”, - дейилади “Улисс” да. Бунда ҳам тасаввуфона ҳамоанглик бор. Ҳамма нарса Оллоҳга қайтади. Қолаверса, Оллоҳга етишишни мақсад қилган зоҳид шу йўлда ҳаракат қилгани каби модернистик асарларда ҳам қайсидир манзилга отланган йўловчи образи мавжуд. Бу мумтоз ва модерн адабиётнинг уйғун жиҳати бўлиб, модерн адабиёт классик анъаналарга таянганлигининг исботидир.

Хуллас, Жойс диний фактларни ўз романида бадий ҳақиқатга айлантиради ва бу модерн романнинг яна бир хусусиятини белгилашимизда асос бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. ЎТИЛ. 2-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – 672 б.
2. Жеймс Жойс. Улисс саргузаштлари (Русчадан Иброҳим Ғафуров таржимаси). // Жаҳон адабиёти, 2008 , 7-сон, 3 – 48-бетлар.

3. Жеймс Жойс. Улисс саргузаштлари (Русчадан Иброҳим Ғафуров таржимаси). // Жаҳон адабиёти, 2008 , 8-сон, 7 – 59-бетлар.
4. Комилов Н. Тасаввуф (Иккинчи китоб). Тавҳид асрори. – Т.: Ғ.Ғулом, 1999. – 208 б.